



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2018 йил 1 январь, № 1 (6959)

Душанба

Сайтнинг QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Қадри дўстлар!
Жонажон Ватанимизга Янги — 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўътабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуг айём билан самимий табриклаймэн.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилаймэн.

Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.

Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичга қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда.

Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топомқда. Уларнинг эртанги кунга

ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоят самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янги-ча руҳ ва мазмун касб этмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узок ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам Янги йил байрами билан табриқлаб, уларга тинчлик ва равақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!
Биз Янги — 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном бердик.

Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.

Халқро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлди.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолиимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!
Мана шу нурафзон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги — 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадида етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта бахт — оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолни кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2018 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изхор этилган самимий қутловлар келмоқда.

Қуйидагилар ўз табриқларини йўллаган:

- Россия Федерацияси Президенти — Владимир Путин
- Хитой Халқ Республикаси Раиси — Си Цзиньпин
- Қозғистон Республикаси Президенти — Нурсултон Назарбоев
- Қирғизистон Республикаси Президенти — Сооронбай Жээнбеков
- Тожикистон Республикаси Президенти — Имомали Раҳмон
- Туркменистон Президенти — Гурбангули Бердимухамедов
- Озарбайжон Республикаси Президенти — Илҳом Алиев
- Беларусь Республикаси Президенти — Александр Лукашенко
- Корея Республикаси Президенти — Мун Чжэ Ин
- Япония Бош вазири — Синдзо Абэ
- Буюк Британия Бош вазири — Тереза Мэй
- Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — Франк-Вальтер Штайнмайер
- Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери — Ангела Меркель
- Испания Бош вазири — Мариано Рахой
- Италия Республикаси Президенти — Серджио Маттарелла
- Словакия Республикаси Президенти — Андрей Киска
- Словения Республикаси Президенти — Борут Пахор
- Польша Республикаси Президенти — Анджей Дуда
- Норвегия Қироли — Харальд V
- Европа Кенгаши Раиси — Дональд Туск

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Солиқ маъмуриятчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги 1054-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-III-сонли Қонунига таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Ушбу Қонуннинг мақсади юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат»; 2) 3-модданинг ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Қарздор — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган, яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс, агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса»;

3) 5-модданинг иккинчи қисми «яқка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 8-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси «яқка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 11-модда учинчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Қарздор яқка тартибдаги тадбиркорнинг ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи»;

6) 17-модданинг иккинчи қисми «яқка тартибдаги тадбиркорга» деган сўзлардан кейин «ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАДИ»

Шавкат Мирзиёев Президентликнинг биринчи йилида мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида жуда кўп ижобий ўзгаришларни амалга оширди. 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоиз қўлайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион АҚШ долларига етди. Республика ташқи сиёсатда янада очиқ бўлиб, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларни қўлга киритди.

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар асосида Ўзбекистон Президентини 2018 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларини белгилаб берди ҳамда келаятган йилни «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» дея номлашни таклиф қилди. Шавкат Мирзиёев инсоният олдига турган асосий масалалардан бири сифатида айнан инновацияга уруғ қаратаётгани бежиз эмас. Чунки унинг раҳбарлиги остида Ўзбекистон инновация йўли билан давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан яхшилашга йўналтирилган ҳаракатни бошлаб юборди. Шунингдек, мамлакат етакчиси давлат бошқарувининг мутлақо янги тизimini яратиб, қонун ижодкорлигини тақомиллаштириш, давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш каби муҳим вазифаларни қўйди. Аҳолининг давлат ишларида иштирокини ошириш, ислохотларни муҳомада этишга жалб қилиш долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, Шавкат Мирзиёев рацонал таклиф — Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари

2018 йилда иқтисодиётни либераллаштириш ва қулай иш-бараларни яратиш дастури давом эттирилишини билдирди. Бу каби қатор самарали чора-тадбирларни тақдим қилиш, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг барча турдаги текширувларини таққиллаш, ҳамма тоифадаги хўжалик субъектлари учун солиқ юкунини камайтириш ҳамда бошқалар алоҳида диққатга сазовор. Айтиш керакки, мамлакатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш самарадорлигини юксалтиришга ҳам юксак эътибор қаратилмақда.

давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини ишончли тарзда давом эттирмоқда. Зеро, Хитойда ҳам «Яқин кўшни узок қариндошдан яхшироқ» мазмундаги мақол бор. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари, Россия ҳамда Хитой билан ўзаро муносабатларида ҳам жиҳатли ҳукм сураётгани эътиборга лойиқ.

Ишончим комилки, Президент Ўзбекистоннинг янги қиёфасини янада яхшироқ ўзгартиришга қодир. Унинг раҳбарлигида ўзбек халқи сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда катта муваффақиятларга эришади. Халқ демократия, эркинлик ҳамда фаровонлик ҳуқуқидан фойдаланади.

ЛИ СИНЬ,
Шанхай халқро тадқиқотлар академиясининг Россия ва Марказий Осиё маркази директори.

2017 ЙИЛ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ТУБ БУРИЛИШ ЙИЛИ БЎЛДИ

Жамиятимизда кечаятган ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янги қиёфаси шаклланаётганидан далolat беради. Тўғридан-тўғри демократия механизмлари жорий қилиниши натижасида жуда кўплаб масалалар фуқаролар ташаббуси билан илгари сурилаётган, уларни ҳал этиш бўйича қарорлар эса бевосита аҳоли билан мувоҳамадан сўнг қабул қилинмоқда.

ТАҲЛИЛ

Одамларимиз давлат раҳбарига тўғридан-тўғри мувоҳада этиш имкониятига эга бўлишди. Экспертларнинг билдиришича, Ўзбекистон Президентининг «кун тартиби» чегараланмаган, вазиятдан келиб чиқди, мослашувчан. Халқимиз мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни ижобий баҳоламоқда. Фуқаролар сиёсий воқеликларга дахлдорлик билан ёндашиб, сиёсий жараяннинг фаол иштирокчисига айланди. Хатто энг чека туманлар аҳолиси ҳам ўзгаришларга хайрихоҳлигини кўрсатаётган. Бу — жудаям муҳим ўзгариш.

Одамларимиз ҳаётга янгича назар билан қараётгани уларнинг фуқаролик фаоллигини, мобилилигини, ижтимоий фаоллигини қабул қилишда қатъиятини кучайтириш учун асос бўлаётган. Бугун юртимиздаги мамлакатимизни ривожлантириш бўйича конкрет тасаввурга эга. Бошқача айтганда, фуқароларимиз ўз Президентини билан яқдил ва уйғун фикр юритишмоқда. Давлатимиз раҳбари кўраётган масалалар уларнинг ҳам уйлантиради. Биргина Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатномасида ахт этган аксарият масалалар бевосита оддий одамлар орзу-умидларига, кундалик ҳаётга дахлдор. Хамюртларимиз давлат раҳбари уларнинг муаммоларидан хабардорлигини, бу ҳақда очиқ гапларайтганини, мамлакатда юз бераётган барча воқеадан воқиф эканлигини кўриб, билиб туришибди.

Бошқарувининг янги усули давлат органларига юксак талабчанлик, ҳар бир раҳбар ўзига бириктирилган участкасига шахсий жавобгарлиги, қарорлар барча босқичда демократик муҳомада қилиниши ва фуқаролар ўз фикрларини эркин билдириши билан уйғунлашиб кетган. Аҳамиятлиси шундаки, одамларимиз айнан сиёсий лидер тимсолида адолатни кўрмоқда.

Халқ билан мулоқотнинг янги шакли

Ўзбекистонда 2017 йилнинг асосий тренди, шубҳасиз, халқ билан мулоқот бўлди. Кимдир буни «қайта туғилиш» деса, кимдир «илиқлик» деб баҳолапти. Бошқалар эса «қадриятларнинг қайта баҳолиниши» сифатида кўрмоқда. Бир нарса аниқки, мамлакатда кечаятган ўзгаришлар биринчи гада халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Экспертлар ҳокимият ўз камчилиги ҳамда нуқсонларини тан олиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўраётганига эътибор қаратишмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ALOQABANK
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

Янги йилнингиз билан!

Янги йилда «Алоқабанк»нинг «VISA» карточкаларидан дунёнинг исталган нуқтасида туриб фойдаланинг!

Мурожаат учун телефон:
(0-371) 230-77-77.

Хизматлар лицензияланган.

TRUSTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Азиз ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

«Трастбанк»
хусусий акциядорлик банки жамоаси

сиз, азизларни 2018 йил билан муборакбод этади!

Ушбу қувончли байрам кунларида сизларга тишчилик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-баракат, бахт ва омад, Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилайди!
Барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!
Ҳар бир кунингиз қувончлардан иборат бўлсин!

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.
Call Center: (0-371) 140-00-88.
www.trustbank.uz

«Трастбанк» — ишонч билан юзма-юз!

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ
ва **«SFI Management Group» МЧЖ ХК** ишончли бошқарув компанияси

юртадошларимизни

Янги йил билан
самимий қутлайди!

*Гуллаб-яшнаётган озод Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, муқаддас Мустақиллигимизни янада мустақамлаш йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.
Хонадонингизга тотувлик, меҳр-оқибат, дастурхонингизга файзу баракат тилайди!*

2018

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ «Қатортол» филиалига қаршли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Меҳр кўчасида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/575 WAA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 36 562 000 сўм.

Аукцион савдоси голиби, деб топилган шахсга 3 (уч) банк иш кўни мобайнида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Закалат пули миқдори — 15 фоиз.

Аукцион савдоси 2018 йил 17 январь кўни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 15 январь кўни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар автотранспорт воситаси билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабдорлар автотранспорт воситаси умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувиде белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТВ «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 20208000500571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамий кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 5 январь, жума кўни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 145. 144 165 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гуваҳнома ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун ОА-коднинг телефонингизни оғиздан сўраб олинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРГАТТА КЕЛГАН КЎЗГАТАРМАЛАР ТАКРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТИРИЛМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРГАТ ЖАВОБГАР ЭМАС.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида термид хамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳдатия сифатини чоп этилишида «Шарқ» нашриёт-матбаа иккилозлик компанияси масула.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Солдиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 22.45 1 3 4 5 6